

Қўшнига яхшилик



09:01 / 04.08.2019 3710

Кўфада Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг бир этикдўз қўшниси бор эди. У кун бўйи ишлаб, қоронғи тушгач, уйига қайтиб келар эди. Гоҳида гўшт олиб келиб, пишириб ер, гоҳида эса балиқ олиб келиб, қовуриб ер эди. Аммо қорни тўйгач, шароб ичар, маст бўлиб қолиб, қўшиқ хиргойи қилишга тушарди.

Мени ташлаб қўйдилар,

Шундай йигитни қийин кунида ташлаб қўйдилар...

У қачон ичиб олса, мана шу байтни такрорлайверар ва шу зайлда ухлаб қоларди.

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ кечаси билан намоз ўқиб чиқарди. Маст бўлиб қолган қўшнининг овози эса уни безовта қиларди. Тунларнинг бирида этикдўзнинг овози чиқмади. Эрталаб суриштира, миршаблар уни ҳибсга олишибди.

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ бомдод намозини ўқиб бўлгач, туясини миниб, амирнинг олдига бориб, киришга изн сўради. Амир: «У зотга изн беринглар, уловдан тушмай, гиламни босиб кириб келаверсинлар», деди. Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ кириб келди. Амир уни тўрға ўтирғизиб, «Лаббай, бизга нима хизмат?» деди. Абу Ҳанифа: «Бир этикдўз қўшним бор эди. Миршаблар уни ҳибсга олишибди. Айтинг, уни қўйиб юборишсин!»

деди. Амир шу заҳоти этикдўзни қўйиб юборишга буюрди.

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ туясида келар, ортидан эса этикдўз эргашиб борарди. Йўлда Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ уловдан тушиб, этикдўзга илтифот қилиб, уни туясига миндирди ва: «Эй йигит, биз сени ташлаб қўйдикми?» деди. Этикдўз: «Йўқ, мени ташлаб қўймадингиз, балки мени ҳимоя қилиб, мурувват кўрсатдингиз. Қўшнингизни эҳтиром қилганингиз учун Аллоҳ сизни яхшилик билан мукофотласин!» деди. Шундан кейин этикдўз ичишни батамом ташлади.

«Солиҳлар гулшани» китобидан